



# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## БУ ЙИЛГИ

# САЙЛОВЛАР МУТЛАҚО ЯНГИ

## ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУҲИТДА ЎТКАЗИЛАДИ



Мамлакатимизда сайловлар умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ва шаффоф ўтказилиб келинаётгани барча фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини тўла ва самарали таъминлашга хизмат қилмоқда. Жорий йил 26 июль куни Марказий сайлов комиссияси томонидан навбатдаги Парламент ва маҳаллий Кенгашлар раиси Эркинжон Нуралиевга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади. Бу йил "Е-saylov" ахборот тизими орқали барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолияти, уларнинг сайлов жараёнлари иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари тўлиқ рақамлаштирилди. Бу билан сайлов тартиботларидаги бюрократия, ортиқча вақт сарфи ва хужжатлар ҳаракати қисқартирилди, очиқлик ва ошқоралик, шаффофлик таъминланади.

– Депутатликка номзодлар орасида аёлларнинг улуши қандай бўлади?

– Сайлов қонунчилиги илғор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бешчилигида ҳудудий сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссияларининг янги тизими жорий этилди, сиёсий партиялар томонидан депутат-

нисбатан кўпроқ овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Кам овоз олган номзодлар учун берилган сайловчилар овози инobatга олинмайди.

Пропорционал сайлов тизимида: Қонунчилик палатаси депутатларининг ягона сайлов округи бўйича ўтказиладиган сайловда сайлов бюллетенига сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг номи киритилади.

Пропорционал сайлов тизими халқаро амалиётда мавжуд сайлов тизимларидан бири бўлиб, мажоритар сайлов тизимидан бир аср кейин вужудга келган. Сайлов пропорционал тизим асосида ўтказилганда, депутатлик мандатлари, яъни вакиллик органида мавжуд депутатлик ўринлари сиёсий партиялар томонидан шакллантирилган депутатликка номзодлар рўйхатлари учун сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда тақсимланади. Мажоритар сайлов тизимидан фарқли ўлароқ, сайловчи бевосита депутатликка номзод шахсга эмас, балки сайловда иштирок этаётган, депутатликка номзодлар рўйхатини тақдим этган сиёсий партияга овоз беради.

Пропорционал сайлов тизимида сайловчилар сиёсий партияларга овоз беради. Қайси сиёсий партия қанча овоз олганига қараб депутатлик ўринларига эга бўлади.

– Аралаш сайлов тизимининг қандай ўзига хос аҳамияти бор?

– Бугунги кунда аралаш сайлов тизими дунё мамлакатларида тобора оммавийлашиб бораётганини кузатиш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги йилларда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг энг яхши жиҳатларини ўзаро уйғунлаштириш мақсадида Марказий ва Шарқий Европадаги бир қатор давлатларда аралаш сайлов тизимини жорий қилиш тенденцияси кучаймоқда.

Ўзбекистонда ҳам аралаш сайлов тизимига ўтишнинг ҳуқуқий асослари яратилди, жумладан, 2023 йилда қабул қилинган янги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодек-

сига ва амалдаги қонунларига аралаш сайлов тизимига ўтишни кўзда тутувчи муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бирок аралаш сайлов тизимини ҳаётга татбиқ қилиш жараёни энди-энди бошланмоқда. Чунончи, жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайловлари илк марта аралаш сайлов тизими асосида ташкил қилинади.

Шундай қилиб, аралаш сайлов тизими жамиятдаги мавжуд барча сиёсий кучлар иштироки ва мувозанатини акс эттирувчи профессионал парламентни шакллантириш имконини беради. Бунда қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифати ва самарадорлиги ҳам ошади. Зеро, аралаш тизим асосида сайланган депутатлар корпуси амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга анча фаолроқ тайёргарлик кўрган бонс, уларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни амалга ошириш бўйича талаблари ҳам шунчалик юқори бўлади.

Энг муҳими, аралаш сайлов тизими сиёсий жараёнлар узвийлигини ва сиёсий анъаналар бардавомлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий институтларнинг бир маромда, барқарор фаолият юритишига, сиёсий тизимда демократик таъминликлари ва қадриятларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, аралаш сайлов тизимида сайловчи нафақат номзодларнинг шахси, балки дастурлари, ғоялари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ турмушини янада фаровонлаштириш бўйича илгари сураётган тақлифлари билан ҳам яқиндан танишади, ўрганади, уларни реал ҳаётда нечоғлиқ татбиқ этиш имкониятлари мавжудлигини баҳолайди. Шундан сўнг муайян қарорга келади ҳамда ўзи лозим топган номзодни ва сиёсий партияни қўллаб-қувватлайди. Бу эса сиёсий партияларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Сухбатдош: Махияра БОЙБОБОВА.



Иқтисодиётга қувват, табиатга малҳам

## БИОЛОГИК ПАРЧАЛАНДИГАН НОТЎҚИМА МАТО - ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА

ЭНДИ У РИШТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Атроф-муҳит ифлосланиши глобал муаммага айланиб улгурган. Биз кундалик турмушда фойдаланиб, сўнг ташлаб юборадиган целлофан халталар, болалар тагликлари, нам ва косметик салфеткалар, сунъий полимер маҳсулотлар, аёлларнинг гигиеник воситалари хоҳ сувга тусини, хоҳ заминга, чиримайди, яъни табиий равишда парчаланмаслигидан табиатга жиддий зарар етказиши. Инсоният томонидан ташланадиган чқиндиларнинг 7-10 фоизини ана шундай маҳсулотлар ташкил этади.

логик парчаланадиган хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу йўл билан табиатни муҳофаза қилиш жаҳон стандартлари талабидир. Бизда ушбу маҳсулот пахта смоласидан олинади ва ундан тайёрланадиган истеъмол воситалари ярқисиз ҳолга келгач, маълум вақт ичда табиий равишда парчланади. Ундан болалар тагликлари, турли гигиеник воситалар, косметик ва нам сочиқлар, тиббиётда дока ўрнида ишлатиладиган ва бошқа умумфойдаланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шундай турдаги мато ҳозир Польша ва Туркияда тайёрланади. Эндиликда Риштон ҳам улар сафига қўшилади.



Мамлакатимизда нотўқима матолар ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини кўпайтириш муҳим вазифалар сирасига қиради. Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасида нотўқима матолар ишлаб чиқариш технология жараёнларига таъсир этадиган муҳим омилларни аниқлаган ҳолда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Президентимиз Фарғонага ташрифи чоғида Риштонда йилига 17 минг тонна биологик парчаланадиган нотўқима мато ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлагани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда вилоятимизда чет эл инвестициялари ҳажми сезиларли даражада ортди.

Ўтган етти йилда қарийб 77 триллион сўмлик инвестициялар жалб этилган. Бунинг натижасида 116 мингта иш ўрни ва 4,5 миллиард АҚШ долларлиқ экспорт имконияти яратилди. Эндиликда вилоятда хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд 132 та лойиҳа шаклланди. Бу йил 1,3 миллиард долларлик мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири Риштон туманида амалга оширилади. Бу ерда биологик парчаланадиган нотўқима мато – "Wetlace" ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиши старт олиш арафасида турибди. Инновацион корхона қуриш ва биз мўъжизавий деб айтаётган мато ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш нима беради?

– Жаҳон бозорига бу маҳсулотга талаб жуда юқори. Экспорт бозорига тез кириш ва чет эл валютасида барқарор даромад олиш имконини яратди, – дейди Риштон тумани ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Абдусалом Сиддиқов. – Ҳозирданоқ унинг харидорлари оз эмас. Голландиянинг "PVG холдинг" компанияси ҳам бу хомашёни кутиб турибди. Био-

Айтиш лозимки, сунъий полимер маҳсулотлари атроф-муҳитда ўнлаб йиллар давомида қолади. Биологик парчаланадиган маҳсулот эса табиат муҳофазаси учун кураш кучайган ва аҳоли сонининг ўсиши кузатилаётган ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун рақобатда устуникка эгаллиги билан муҳим аҳамият касб этади. Истеъмолчи фойдаланиши учун қулай, майин ва аллергия реакция келтириб чиқармайди. Ушбу технология пахта толаси ишлаб чиқариш, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати чиқиндиларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бу замонавий, иқтисодиёт ривожига қувват ва она табиат дардига малҳам бўладиган маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаси Россия Федерацияси фуқароси Адам Костоев томонидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция қилиниш орқали амалга оширилади. Ҳозир лойиҳа учун 8 гектар ер ажратилиб, Вазирилар Маҳкамасига юборилган. Керакли жараёнлардан ўтгач, лойиҳани амалга ошириш ишлари шу йилнинг тўртинчи чорағида бошланади ва ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилнинг сўнгги ойларида тугалланиб, маҳсулот ишлаб чиқаради.

– Германиядан олиб келинадиган ускуна ва жиҳозларни тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, 2 йил вақт кетади. Лойиҳа ишларини жадаллаштириш мақсадида уларни 6 ойда тайёрлаб келтириш имконияти топилди. Бошлаган катта лойиҳамизни белгиланган муддатларда ишга тушириш учун ҳаракат қиламиз, – дейди ҳоким ўринбосари Абдусалом Сиддиқов.

Риштонда бунёд этилаётган корхона, Президентимиз таъкидлаганидек, йилига 17 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Энг муҳими, у ишга тушгач, 800 нафар риштонлик йигит-қизлар доимий иш билан таъминланади. Ходимларнинг ўртача ойлик маошини, солиқларни ҳисобга олганда, 600 евро миқдорида белгиланган кўзда тутилган.

Фарғонада яқин вақт ичда яна бир гигант экспортёр корхонанинг бунёд этилиши, у эънинг ноб маҳсулоти билан жаҳон бозорига дадил кириб бориши тарихий ва қувончли воқеадир.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

## Тарихга назар

Шимолий дарё ёки Сибирь дарёсининг Шимолий муз океанига "бефойда" оқаётган оқимининг бир қисмини жанубга, Марказий Осиёнинг сув етишмайдиган қишлоқ ҳўжаллиги ҳудудлари томон йўналтириш собиқ совет иттифоқининг улкан лойиҳаси эди.

Лойиҳа бўйича тадқиқот ва режалаштириш ишлари 1930 йилларда бошланган ва 1960 йиллардан 1980 йилларнинг бошларигача кенг миқёсда олиб боришган. Афсуски, режа 1986 йилда, экологик сабабларга кўра, катта қурилиш ишлари олиб боришмасидан аввал тўхтатилган. Яъни, XX асрнинг амалга оширилмаган энг йирик муҳандислик ва қурилиш лойиҳаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Мега лойиҳа муаллифлари ва тарафдорлари дастлаб Россиянинг Европа қисмининг шимолий дарёлари оқимини Волгага ўтказиш Кас-

пий денгизи сатҳининг пасайишини тўхтатиш ва "Волга-Дон – 2" учун Волга сувидан фойдаланиш имконини беради, деб таъкидлаганлар. Шу тариқа, "Волга – Чоғрай" канали лойиҳаси амалга оширилишга жуда яқин келинган, аммо жамоатчилик танқиди ва эътирозлари туфайли охирига етмай қолган.

Дарёларни қайта йўналтириш лойиҳалари доирасида биринчи марта Обь ва Иртиш оқимининг бир қисмини Орол денгизи хавзасига ўтказиш режаси 1868 йилда Киев университети битирувчиси Я.Демченко томонидан ишлаб чиқилган. У Киев гимназиясининг 7-синфиди ўқиб юрганида, "Россия иклими тўғрисида" мавзусидаги ишосида лойиҳанинг дастлабки вариантини тақлиф қилган. 1871 йилда эса, "Урал – Каспий паст-текислигини яхшилаш учун сув босқини тўғрисида" китобини нашр қилди. "Қўшни

мамлакатлар иқлими" китоби 1900 йилда чоп этилди.

1948 йилда рус географи, академик В.Обручев бу имконият ҳақида Сталинга ёзган, лекин у лойиҳага унчалик аҳамият бермаган.

1950 йилларда қозоқ академиги Шафқ Чўкин яна бу масалани кўтарди. Турли муассасалар томонидан дарёларни буришнинг бир нечта мумкин бўлган схемалари ишлаб чиқилган. 1960 йилларга келиб, Қозоғистон ва Ўзбекистонда сўғориш учун сув истеъмоли кескин ошди. Шунинг учун бу масала бўйича Тошкент, Олмаота, Москва, Новосибирскда умумиттифоқ йиғилишлари ўтказилди.

3-бет

## СИБИРЬ ДАРЁЛАРИНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА БУРИШ РЕЖАСИ БЎЛГАНМИДИ?



## ЁШЛИК – БУНЁДКОРЛИК

# “ҒАЛАБА ВА БАХТ – АСТОЙДИЛ ИНТИЛГАННИКИ”

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ УШБУ СЎЗЛАРИ ҚУВАСОЙЛИК ЁШЛАР ШИОРИГА АЙЛАНДИ

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча шароитларни яратиб бериш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Айни пайтда ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиб, фикр ва истаклари тингла-наётгани уларнинг давлат дастурлари ва режаларини рўёбга чиқаришда фаол иштирокини таъминлаётти.

Президентимизнинг ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига байрам табригидаги “Биз азиз фарзандларимизнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириб, уларни янги, янада юксак bosқичга олиб чиқамиз. Ишончим комил, жонжон Ватанимизга меҳр ва садоқат билан яшаётган, илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, ҳозирги мураккаб замондаги кескин рақобатга тайёр бўлиб вояга етатган ёшларимиз ҳар қандай баланд маррани эгаллашга қодир” деган сўзлари қувасойлик ҳар бир йигит-қизини ташаббус, шижоат билан ишлашга руҳлантирди.

Ёшлар билан ишлаш бўйича янги – вертикал бошқарув тизими яратилгани, айниса, самарали бўлди. Маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши туфайли келажгимиз бунёдкорларига катта имкониятлар яратилди. Қувасой шахридаги 23 минг 580 нафар йигит-қизлар бўйланган. Мақсад, коллеж, техникум ва олий ўқув юртиларида таълим олаётган, тадбиркорлик билан шуғулланаётган, барча соҳаларга, жумладан, IT-технологиялари йўналишларида дадил кириб бораётган ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида 31 нафар ёшлар етакчилари улар билан манзилли иш олиб бормоқда.

Ёшлар дафтарига киририлган 141 нафар йигит-қизларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма маблағлари ҳисобидан 542,6 миллион сўм йўналтирилди. Йилнинг ўтган даври мобайнида “дафтар” электрон платформасига киритилган 248 нафар ёшлардан 198 нафарининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилди. Яъни, улардан 67 нафарининг тўлов кон-

тракт пуллари тўлиб берилди, бошқалари доимий иш, ўзини ўзи банд қилиш учун меҳнат қуроли билан таъминланди. Шунингдек, 14 нафар ёшларга имтиёзли кредит маблағлари, 77 нафарига ер майдонлари ажратилди. Айримларининг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари тўланди, давола-ниш, турар жой ижараси, касб-хунар, тадбиркорлик ҳамда келажак касбларга ўқитиш пуллари қоплаб берилди. Моддий ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш алоҳида эътибори-мизда, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги Қувасой шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари Жавоҳир Мўйсинжонов. – Ҳар бир маҳаллада “Ёшлар бандли-ги дастури” тасдиқланиб, шу асосда “фуқаробай” иш олиб боришмоқда. 90 нафар ёшлар-ни доимий иш ўринларига жойлаштириш, 22 нафарини касб-хунарга ўқитиш, 26 нафар йигит-қизларга субсидия асоси-да меҳнат қуролини ажратиш, 11 нафарига тадбиркорлик қилиш учун 292 миллион сўм кредит маблағлари ажратиш ре-жалаштирилган. 31 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги маҳалла еттичилиги томонидан 700 нафар ёшларга деҳқончилик учун 210 гектар экин майдонлари ажра-тиш бўйича давлатномадор таузилган.

Йилнинг ўтган даври мо-байнида деҳқончилик қилиш истигини билдирган 404 нафар ёшга 190,4 гектар ер майдони ажратиб берилди. Бу уларнинг ҳар бирига ўртача 47 сотихдан тўғри келади. Турли хил саба-вот ва полиз экинлари ҳосили эл дастурхонига тортиқ этилмоқ-да.

Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 сентябрдаги “Уюшмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, шаҳардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинида “хонадонбай” ўрганиш ўтказилди. Тарбияси оғир, алоҳида ишлашга муҳтож 243 нафар ёшлар билан индивидуал ишлаш мақсадида шаҳардаги 21 нафар раҳбарларга номна-ном бириктирилди. Бу ёшлар билан учрушувлар ўтказилиб, 60 на-фарининг муаммолари борлиги аниқланди, уларнинг 58 на-фарига тегишли бўлган масала ижобий ечим топди.

Ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий ҳатти-хара-



Бу sanoat zonalariga tutashtirilgan Pakana, Kokilari va Sufon mahallalaridagi 210 gektar er xisobiga “Kukon” erkin iqtisodiy zonasini kengaytirish tuzilmasida shu yil 10 iulda Prezidentimizning qarori qabul qilindi.

катларни содир этишга мойил бўлган уюшмаган 70 нафар ёшлар эса шаҳардаги 12 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳамда ҳудуддаги ҳарбий қисм командир ва ўринбосарларига бирикти-рилиб, иш олиб борилмоқ-да.

“Беш ташаббус олимпиада-си”нинг жорий йилги мавсуми доирасида шаҳарда 26 турдаги мусобақа ва танловлар ўтказиш мўлжалланган. Ўтган олти ой давомида маҳал-лалардаги ёшлар ўртасида 15 дан ортиқ шундай тадбирлар низоҳасига етди. “Ёшлар овози” кўрик-танловининг республика босқичида “Боғбон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Лайлохон Халилова 16-22 ёш тоифасида анъанавий ижро-чилик йўналишида, спорт-нинг енгил атлетика тури бўйича “Юкори Мўян” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари фахр-ли 1-ўринни қўлга киритдилар. Стол тенниси мусобақасида “Боғбон”лик Асадбек Незматов учинчи ўрин соҳиб бўлди. Шунингдек, мини футбол бўйича ДХХ кубоги мусобақасининг қизлар ўртасидаги бахсларида “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини қизлар жамоаси вило-ят босқичида фахрли 2-ўринга сазовор бўлди.

Ёшлар ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган бундай кенг қамровли иш-лар Қувасойда изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, шаҳар қир-адирларида ташкил этилган “Ёшлар”, “Пакана” са-ноат зоналарида юзлаб йигит-қизлар sanoat, ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида ғайрат-шижоат, ташаббускорлик билан меҳнат қилишяпти.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжат асосида амалга оши-риладиган улкан бунёдкорлик ишлари қувасойлик ёшларнинг нималарга қодир эканлигини кўрсатиши учун яна бир имкони-ятдир.

Қарорда таъкидланишича, яқин вақт ичида “Кўкон” эр-кин иқтисодий зонасининг кенгайтирилаётган ҳудудда муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмаси ярати-лади. 2026 йил охирига қадар камида 1 миллиард АҚШ дол-лари миқдоридида инвестиция ўзлаштирилади. 11,7 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ярати-лади. Йилга 965 миллион АҚШ доллари миқдоридида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 313,6 миллион доллар-лик маҳсулотни экспортга йў-налтириш бўйича қувватлар иш-га туширилади. Шу кунларда Қу-васойда тадбиркорлик мажмуа-си барпо этишга start берилди.

Вилоятимиз sanoat, иқтисо-диётни ривожига бекиёс турт-ки берадиган, асрларга тати-гулик бу улкан бунёдкорлик ишига қувасойлик ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшади. Улар минглаб ҳамшаҳарлари қатори иш билан таъминлана-ди, экспортбop маҳсулот ишлаб чиқариб, азалдан “Саноатчилар шаҳри” деб ном олган Қувасой довуғини дунёга тараннум этадилар. Муҳтарам Президен-тимиз таъкидлаганидек: “Ҳеч қачон унутманг, ғалаба ва бахт – астойдил интилганники”.


Абдуҷалил БОБОҶОНОВ.

## ИЖОДИЙ САФАР ТААССУРОТЛАРИ

# БЕИҒОУ

## – ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ

Хитой Халқ Республикасида дунё сайёҳларини мамлакатга кенг жалб қилиш, соҳа бўйича қўлай инфратузилма яратиш, шу жумладан, қишлоқ туризмни ривожлантириш бўйича ўзига хос тажриба мавжуд.



Мўъжизалар диёрига ташриф буюрган сайёҳлар борки, туризм қишлоқларини зиёрат қилмайди. Биз ҳам “Бир белбоғ – бир йўл” ташаббуси иштирокчиси бўлган давлат-лар миллий матбуот ходимлари учун Шандун провинциясида ташкил этилган ўқув-амалий семинар доирасида Пекининг Хуайру ту-манидаги Бохай шаҳри шимоли-шарқидида жойлашган Беигоу қишлоғида бўлдик. Унинг умумий ер майдони 322 гектар бўлиб, 2,5 гек-тари экин майдонлари, 158 гектари мева-ли боғлар, 147 гектарини эса экологик ўрмонлар ташкил этади.

Туризм маскани сифатида машҳур бўлган қишлоққа кенг ёнғокзорлар орқали кириб бораётган эканмиз, дастлаб улғў мутафаккир Конфуций хайкали эътиборимизни тортди. Беихтёр устозимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов ташаббуси билан чоп этилган “Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар” китобида битилган ибратомуз сўзлар ёдимимга келди: “...Ўқиш ва доим баркамолликка интилиш яхши эмасми? Ўқидан дўстларинг келса, қувонмайсанми?”

Беигоу кўп асрлик тарихга эга. Ўзининг гўзал манзаралари, турфа ўсимликлар дунёси ва ажойиб истезодли инсонлари билан машҳур. Қишлоқ Мин сулоласи даврида ташкил топган, унинг дастлабки номи Ингбей Гоу бўлган. 1990 йиллардан буён Беигоу деб номланади. Шимолида Буюк Хитой девори қад ростлаган. Баланд тоғлар, пуриқлар бу ҳудудни янада гўзал ва диққатга сазовор этиб кўрсатади.

Айтишларича, бундан ўн йиллар олдин Беигоунинг туризм қишлоғи сифатида янада обод қилиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Шу асосда сайёҳлик инфратузил-маси яратилган. 2000 йилда Беигоуда 247 та оила ва 769 нафар фуқаролар яшаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони икки баравар-га ортган. Паст-баланд ички кўчалар, турар жойлар қадимий илмий меъмorchилиги усули-да қурилган. Айнан миллийликни ўзида акс эттирган манзаралар сайёҳларни ўзига жалб этади. Бинолар деворларида ўша даврга хос атамалар, ҳикматли сўзлар битилган. Кўплаб хонадонларда меҳмон ўйлари ва хостеллар ташкил қилинган.

Бир-биридан кўрак кўчаларда наби-раларини етаклаб юрган кексалар билан суҳбатлашганимизда, улар ўз қишлоқлари тарихи ҳақида фахрланиб гапиришди. Ўз томорқасида деҳқончилик қилаётган фуқароларни бир зумгина “ишдан чалғитиб”, кўплаб саволларга қўйиб ташладик. Беигоу-ликлар томорқаларида асосан маккажўхори, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш-

ларини, ҳаётда нимагадир эришиш учун дои-мо интилиб яшашлари, оқава ва тоза ичимлик сувини ниҳоятда қадрлашларини айтишди. Уларнинг яна меҳнат қучоғига қайтганларини қузатар эканман, кўз ўнгимда ҳовлимиз, дадамнинг эрта тонгдан кетмон елкалаши, пишиб етилаётган экинлар жонланди. Қайси мамлакатда, қайси миллат бўлмасин, деҳқони содда, софдил, “меҳнат симфонияси” бир хил, энг муҳими, туғилган гўшасига меҳри бўлакча!

Бизга маълумот беришларича, кўп йиллар аввал аҳолининг яшаш хонадонлари қаторида sanoat қорхонаси фаолият юритган. Ишлаб чиқариш жараёнида қаттиқ ёқилгидан фой-даланилгани боис, бутун қишлоқ қора тутун ичида бўлган, чиқиндилар эса атроф-муҳитга жиддий салбий таъсир етказган. Бугунга келиб, бутунлай бошқа манзарани кўриш мумкин: экологик тоза, баҳаво, маданий ҳордиқ чиқарадиган, маънавий озиқ олади-ган қишлоқ. Хитой маданий мерос давлат бошқармаси ва қадимий ёдгорликларни сақлаш ассоциацияси 2010 йилда ўша қора тутун чиқарадиган завод ўрнида “Хитой қишлоқ мероси меҳмонхонаси”ни барпо этган. Лекин ишлаб чиқариш қурилмалари, турли русумдаги техника, ўчоқ ва қоқиллар, ҳомашё сифатидаги тупроқ жинслари, қизил гишт, сопол каби маҳсулотлардан намуналар сақлаб қолingan. Меҳмон уйида ҳам дам оласиз, ҳам моддий бойликлар орқали қишлоқ тарихи, халқ ўтмиши ҳақида қимматли маълумот-ларга эга бўласиз. Биз бу жуда кўп хорижий сайёҳларни учратдик. Улар қишлоқнинг тоза ҳавоси-ю, самимий одамлари илтифотида хурсанд эканлигини айтишди.

Қишлоқ марказида ўлкашунослик музейи ҳам мавжуд. Беигоу тарихи, ерлик машҳур шахслар, оддий халқнинг турмуш тарзи ҳақидаги кўرғазма ва маълумотлар билан шу ерда батафсил танишиш мумкин. Ўй-ўзгор идишлари, деҳқончилик анжонлари, қадимий буюм ва ашёлар музейдан жой олган. Қишлоқ бўйлаб умумий овқатланиш ва савдо шохоб-чалари, кўнглигачар масканлар фаолият олиб бормоқда.

Беигоу кўчаларидаги озодалик ҳар инсон кўнглига кўтаринклик бахш этади. Атроф-даги гулзорлар, тувакларда очилиб турган турфа гуллар бахру дилингизни очади. Англадикки, қишлоққа ҳар йили минглаб сайёҳларнинг ташриф буюриши бежиз эмас. Бу эса ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшаётгани шубҳасиз.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

## “БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!”

# МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

Бундан 33 йил муқаддам мамлакатимиз мустақилликка эри-шиб, тараққиётнинг янги bosқичига қадам қўйди. Шу кундан эътибо-ран барча соҳа ва тармоқларда туб ислохотлар, де-мократик янгилан-иш жараёнлари кечмоқда. Ўтган давр эркин ва фа-ровон ҳаётни, буюк келажакни фақат ва фақат мустақиллик асосидагина куриш мумкинлигини кўрсатди.

Юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият куриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудрати, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай қатта мар-раларга эришган бўлсақ, буларнинг бари давлат мустақиллигининг натижаси эканлигини таъкидлаш лозим.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаюқ, Ўзбекистон ўзининг миллий ҳуқуқий тизими-ни вужудга келтиришга киришди. “Мустақиллик декларацияси”, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида”ги қонун, Ўзбекистон Республикасини Конституцияси, шунингдек, бошқа соҳаларни тар-тибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Булар қаторига мулкчилик, хусусийлаш-тириш, тадбиркорлик, банк фао-лияти, ташқи иқтисодий алоқалар, чет эл инвестициялари ва уларнинг ҳуқуқий кафолатлари тўғрисидаги каби қонунлар кирди. Улар ян-гиланган мустақил жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши, унинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва халқаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилгандир.

Шунингдек, давлатимиз эртаси бўлмиш ёшларга алоҳида эъти-бор қаратилди, уларнинг ўқиш, билим олиши ва спорт билан

шуғулланишлари учун қўлай шаро-итлар яратилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз иқтисодиётининг ривож учун қатта ҳисса қўшаётган кичик бизнес ва хусусий тадбир-корларга ҳам алоҳида қўлайлик ва имтиёзлар берилди.

Мамлакатимизда қонун ва адолат тамойиллари устуворлигини таъ-минлаш изчил давом этмоқда. Дав-латимиз раҳбари ташаббуси билан сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизими-ни тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда фуқароларнинг конституция-вий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топ-тиришда одил судлов муҳим ўрин тутиши эътиборга олинди. Халқаро стандартларга жавоб берадиган суд-ҳуқуқ тизимининг ривожлани-ши маҳаллий ва хорижий инвестор-ларда қизиқиш, ишонч уйғотади. Айниқса, тадбиркорлик соҳаси ва-килларига низолаз юзага келганда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ишонч-ли ҳимоя қилиши учун мустаҳкам замин яратилди. Бу эса мамлақати-мизга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва иқтисодиётни ривож-лантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, соҳада йиллар да-вомида ечими муҳим бўлган му-аммолари масалаларни ҳал қилиш борасида Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ҳамда Парламент томонидан одил судлов сифати ва самарадорлигини оши-

ришга қаратилган янги кодекслар қабул қилиниб, қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритил-ди.

Мустақиллик йилларида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилди. Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси-да давлатнинг сўз эркинлигини ҳамда ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини кафолатлаш борасида Интернет жаҳон ахбо-рот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш масъулиятини ўз зимма-саси олиши ҳам мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлашдаги ислохотларнинг яққол намунаси-дир.

Қонунчилик соҳасида эришил-ган ютуқларимизнинг барчаси истиқлол шарофатидан. Давлати-миз мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамла-катимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш-нинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда. Бу бойлиқнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирдаги аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бораверади.

Д. АКРАМОВА,  
Фаргона вилоят судининг  
иқтисодий ишлар бўйича судлов  
ҳайъати судьяси.

## МАЪНАВИЙ ҚУВВАТ МАНБАИ

Китоб мутлааси ва китобхонлик ай-ни пайтда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу каби эътибор кутубхона ходимлари зиммасига қатта масъули-ят юклди. Китобхонга юқори даража-да хизмат кўрсатиш, уларни босма ва электрон адабиётлар билан таъмин-лаш вазифаларини қўйди.

Юртбошимизнинг китобхонликка қа-ратаётган алоҳида эътиборлари туфайли “Китобхонлик байрами”, “Ёш китобхон”,

“Китобхон оила” каби танловлар бугунги кунда анъанага айланди. Турли ёшдаги ки-тубхонлар яна кутубхоналарга қайтмоқда. Улар бир-биридан бетакорор асарларни, мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналар-ини мутлаа қилляптилар.

Инсоннинг куч-қудрати илмда, бахтиёр ҳаёт, фаровон турмуш ортида ақл-заковат, юксак салоҳият ётади, албатта. Мутлаа киши дунёқарашини шакллантиради, ин-сонийлик фазилатларини бойитади, эзгу мақсадларга йўл очади, ўзига нисбатан ишончни уйғотади, яхши натижаларга эришиш учун иштиёқ беради. Шунинг-дек, билим булоғи дунёни ан-глашининг янги чегараларини кашф этишда қўл келади.

Демакки, китобдан олинати-ган билим ва маънавий қув-ватни ҳеч бир манба бера ол-майди. Ҳатто бугунгидай шид-дат билан ривожланаётган замонда ҳам у бебаҳо неъмат, тенги йўқ бойлиқдир.

Сайёрахон  
ЭРНАЗАРОВА,  
Данғара ахборот-кутубхо-на маркази директори.



ТАДБИРКОРЛИК

# “ЎЛГА ҲАМ ҚИРҚ ХУНАР ОЗ”



Исми жисмига монанд Ирода ўзининг ақлу заковати, ишбилармонлиги билан атрофидагиларни ҳам ўзига ўхшатишга бор шижоати билан интилади.

У табиатан жуда ғайратли, тиниб-тинчимас бўлгани учун Ҳақатгина уйда би-чир-тишиш билан чегараланиб қолгиси келмасди. Яна нимадир қилгиси, онла даромадига ўз ҳиссасини қўшгиси, муҳими, аёл учун ҳам қирқ хунар оз эканини турмуши мисолида исботлагиси келаверарди.

Ирода Содиқова дастлаб иккита тикув машинаси билан болалар кийимини тикишни бошлади. Вақт ўтиб, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлди. Бунинг учун Хитойдан тикув машиналарини олиб келди. Иш ҳажми ортиб, ёнига 20 нафар аёлларни олди. Аммо 5 сотихдан иборат хонадонда яшаб, ҳам тадбиркорлик қилиш қийин эди. Қолаверса, тайёр кийим-кечакларни Қўқон шаҳридаги савдо комплексида сотиш осон эмасди.

Бундан 2-3 йил аввал Учқўприк туманининг “Бобошбек” маҳалла фуқаролар йиғинига келган республика ҳукумати вакиллари билан учрашган Ирода Содиқова эмин-эркин тадбиркорлик қилиши учун ғов бўлаётган муаммоларини айтиб ўтди. Ўзи каби юзлаб маҳалладошлари учун иш жойи, маҳсулотларни сотиш учун бозор кераклигини айтиб ўтди. Кўп ўтмай шу фикрларини Фарғонага ташриф буюрган давлат раҳбарига етказди.

Президент билан учрашувда тадбиркор аёл мурожаати туман муаммосини ҳал этди.

– Маҳалламизда деярли ҳар бир хонадон ишлаб чиқариш билан машғул. Енгил sanoat маҳсулотларининг хари-дори чаққон, талаб юқори. Жуда тез фурсатда бунёд этилган “Бобошбек” енгил sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплекс маҳсулотларининг ўзбекистон бозорларига чиқишига ҳамда хорижга экспорт қилишга замин яратди, – дей-

ди Ирода.

Ҳозирда тадбиркор аёللнинг мажмуада жойлашган “Худоёрхон-2022” онлайв корхонасида 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун 100 турга яқин кийим-ке-чаклар ишлаб чиқарилмоқда.

Ирода Содиқова янги иш жойига қўшимча ишчи кучи сифатида вақтинча ишсиз, қўлида гулдек хунари бўлса-да, оилада майда-чуйда ишларга ўралашиб қолган хотин-қизларни жалб қилди. До-имий иш ўрнига эга, аммо қўшимча да-ромад қилиш истагида юрган бекаларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Уларнинг 50 нафарга яқинини касаначи сифатида ишга олди.

Эндиликда тадбиркор аёл билан ҳамкорлик қилаётган аёллар сони юз нафардан ортди.

Ирода сифат устида кўп изланади. Шунга қараб талаб ортиб бормоқда. Унинг маҳсулотлари ички бозор билан ҳамоханг равишда, 10 дан ортиқ хори-жий давлатларда сотилаётгани сабаби ҳам шунда.

Ишбилармон аёл бичувчилари 10 мил-лион сўмгача, тикувчилар 2 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача маош олиш-ларини билдирди. Қўли гул чеварлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар кунига 1000 – 1500 тага етмоқда. Ишбай меҳнат ортидан келадиган фойда ҳам шунга яраша бўлмоқда.

– Аёлларнинг қийналиб, нажотни ўзидан, салоҳиятидан эмас, бировдан излашларини истамайди. Тани-жони соғми, ўз эҳтиёжини ўзи қондириши, бировга тобе бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайман, — дейди у.

Дарвоқе, ташаббускорлик, тадбир-корлик билан йирик ишлаб чиқариш корхонасига асос солган Ирода Содиқова сингари хотин-қизлар сони кун сайин ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албат-та. Бу эса шижоатли, ҳар соҳада илғор, қадамидан ўт қақнайдиган аёллар ҳақиқатан 40 хунарни оз деб билишаёт-ганидан далолат беради.

Муаттар МАҲМУДОВА.

МИБ ХАБАРЛАРИ

## "УДДАБУРОН"ЛИК УЗОҚҚА БОРМАДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди қарздор Л.К.дан “Аса-кабанк” Фарғона вилоят бошқармаси фойдасига 342 миллион 259 минг сўм ун-диришни белгиледи. Шунга асосан, Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Қўқон шаҳар бўлими томонидан қарздорга суд белгиланган суммани их-тиёрий равишда қоплаш учун мuddат берилди.

Натижа бўлмагач, унга тегиш-ли мол-мулклар текширилди ва аниқландики, Л.К.нинг “Chery Tiggo 7 Pro” русумли 40 F\*\*\*FB давлат белгилли автомашинаси бор экан. Бироқ давлат ижрочи-

лари қанча ҳаракат қилишмасин, автомашинани топиб бўлмади. Орадан вақт ўтди. Ниҳоят, бюронинг Фарғона вилоят бошқармаси ва шаҳар бўлими хо-димлари тезкор тадбир ўтказиб, автомашинани топдилар. Бу-ни қарангки, уни Л.К.нинг ўзи бемалол бошқариб юрган экан. Негиз бемалол деганимизнинг сабаби – уддабурон йигит “Chery Tiggo 7 Pro” га бошқа автомо-биль, яъни “Жигули”нинг давлат рақамини қадаб олган экан. “Уддабурон”лик иш бермади.

С.СИРОЖИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузури-даги Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилояти бошқармаси инспектори.

## ФУҚАРОНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароит-ларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда иш-сизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, меҳнатига муносиб ҳақ олиши лозим.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг қарздор “Global textile infinity” МЧЖ томонидан фуқаро Б.А. фойдасига 19,5 миллион сўм иш ҳақи ундириш ҳақидаги ижро

ҳужжати бўйича бюронинг Қўштена туман бўлими ходимла-ри ижро ишини юритди.

“Global textile infinity” МЧЖ му-тасаддилари билан тушунтириш ишларининг олиб борилиши натижасида адолат қарор топди ва мавжуд қарздорлик Б.А.нинг банк пластик картасига ўтказиб берилди.

Ахроржон ҲАЙТОВ, Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Қўштена туман бўлими давлат ижрочиси.

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

# БОЛТАБӨЙ

Хофиз

Манбаларда марғилонлик деб тилга олинган Болтабөй хофиз аслида бун-дан 146 йил муқаддам Қўштена тум-нидаги “Шакар” маҳалласида тавал-луд топган. Бобоси Матхотлик ота ва тоғаси Мақсуджон водийнинг машхур санъаткорларидан эдилар. Уларга ҳавас қилган Болтабөй Ражабов санъ-ат сирларини Ҳамроқул қори, Раҳмон хофиз, Турғун сарик, Холқори ота каби сеҳрли овоз соҳибларидан ўрганди.

Шу билан бирга, Марғилоннинг “Чорчинор” мавзесидаги чойхонада анъанавий равишда ўтказилиб ту-риладиган қўшиқчилар танловида маҳоратини ошириб берди.

1920-1930 йилларда Болтабөй Ражабов Фарғона водийсида кенг тарқалган катта ашула ижрочи-си сифатида унинг “патнусаки” усули ривожига муносиб ҳисса қўшиш баробарида, мазкур жанр ва талқинчилик мактабини ярат-ди. Айниқса, оммавий сайиллар ва миллий байрамларда, Катта Фарғона канали қурилиши кунла-рида халққа маданий хизмат кўрсатиб, кўпчиликка маънавий озиқ улашди, руҳий куч-қувват берди.

Тез орада хофиз репертуаридан “Келибман”, “Эй, санам”, “Хайрул башар”, “Оҳ, ким”, “Жудо қилма”, “Шояд”, “Бу гулшан”, “Бўстон” каби 150 дан ортиқ ашулалар ўрин ол-дики, уларни марок билан тингла-ди санъатга ошурта халқ. Уларга Тамарахоним гўзал рақслари ҳам янада безак берди. Вақти келиб, Маматбуво хофиз, Жўрахон Сул-тонов, Маъмуржон Узоқов, уста Олим Комиловга устозлик қилиб, уларнинг катта санъатга қириб келишларига қанот бўлди.

“Фан ва турмуш” журналининг 2007 йилдаги 5-6-сонида чоп этил-ган “Қўшиқ Андижонда ярати-лади, Марғилонда чархланади...” сарлавҳали мақолада муаллифлар Махмуджон Тожибоев ва Собиржон Бегматов шундай ёзади:

“... Бир қуни шаҳар бозори ёнидаги чойхонада жуда катта йиғин бўлди. Тожкентдан Мулла Тўйчи хофиз ва Шораҳим хофиз боришган. Даврани олиб бораётган Юсуфжон қизик ашула навбатини Болтабөй хофиз билан Мамадбу-ва хофизларга берди. Хофизлар қўлларига ликопча олиб ўртага чиқишди. Ашула бошлинишдан олдин Болта хофиз томошабин-ларга юзланиб деди: “Шогирдим Маматбуво билан “Ёввойи Чоргоҳ” патнусаки усулида таёрлаган эдик. Кичик шогирдим Жўрахон ҳам биз билан машқ қилди. Ҳозир ёнимга Жўрахонни ҳам олиб, бирга ижро этиб берамиз”.

Ашуланинг бириччи мисраси-ни бирга айтишди. Урта авжиде айтиладиган мисранинг ҳар бир



қаторини алоҳида ижро этишди. Катта авжини Болта хофиз олади де-йишиб, устозга қарашди. У чап қўлини қулоғига қўйиб авжини бошлади. Ав-жини бир оз ушлаб тургандан кейин, овози сал калтиради-ди, Жўрахон Сул-тоновга қаради. Бунни сезган Жўрахон ака ўша парладан ашула авжини давом эттирди. Ашула тугагач, Болта хофиз шогирди Жўрахон Султоновни қучиб, ўз миннатдорчилигини билдирди”.

1956 йили республика радиосининг “Сайёр” гуруҳи Болтабөй хофиз Ража-бовнинг қатор қўшиқларини “Олтин мерос” тарзида магнит тасмасига ёзиб олди.

Ҳофизни таниқли хонанда Таваккал Қодиров шундай хотирлаган:

“Мен Болта хофиз ва бошқаларни ра-диодан эшитиб, олам-олам завқ олар-дим... 1951 йил 4 сентябрь эди. Мука-рамхон буво тўрам мени чақириб, отга мингаштириб Яккатутта, раиснинг таклифига кўра тўйга бордик. Ўртага Болта хофиз, Юсуфжон қизик Шакар-жонов, Маматбуво Сатторов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Охун-жон қизик, Сулаймон қори, Усмон қори каби машхур хонандалар, сўз усталари кириб келди. Улар қўлларига патнусин олиб, катта ашулани шиддат билан бошлашди. “Ёввойи чоргоҳ”нинг ав-жиде шинавандалар бир қалқиди-ю, “дод” деб юборишди.

1939 йилда Болта хофиз Ражабовга халқ хофизси унвони берилди. Улуғ санъаткор 1960 йил 17 мартда 82 ёши-да вафот этди.

Болтабөй хофиз маънавияти ва ма-данияти билан халққа ибрат бўлган. У ҳозиржаво, кенг фикрли, устоз-шогирдлик анъаналарига содиқ эди. Марғилонлик санъаткорларга хос чиройли кўриниш ва одоб-ахлоққа эга бўлган. Хофиз беназир санъаткор сифатида мудом хотирланади.

Тоҳиржон УСМОНОВ, меҳнат фаҳрийси.

# СИБИРЬ ДАРЁЛАРИНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА БУРИШ РЕЖАСИ БЎЛГАНМИДИ?

1968 йилдаги КПСС марказий қўмитаси пленуми давлат план комитети, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларга дарё оқимларини қайта тақсимлаш режасини ишлаб чиқишни топширди.

“1971-1975 йилларда табиий ва ижтимоий фанларни ривожлан-тиришининг асосий йўналишлари”да географик тадқиқотларнинг энг муҳим муаммолари қайд этилди.

1970 йил 24 майда КПСС марказий қўмитаси ва СССР вазирлар совети-нинг, 1971-1985 йилларда мелioraтив ҳолатини ривожлантириш, дарёлар оқимини тартибга солиш ва қайта тақсимлаш истиқболлари тўғрисида”ги 612-сонли қарори қабул қилинди. У 1985 йилга келиб йилига 25 куб кило-метр сув ўтказишни устувор вазифа деб эълон қилди.

1968 йилда Қозоғистон энерге-тика илмий-тадқиқот институти ташаббуси билан қурилган “Иртиш – Қарағанда” ирригация ва сув таъми-ноти канали ишга тушди. Бу канални Қозоғистоннинг марказий қисмини сув билан таъминлаш лойиҳасининг тугалланган қисми деб ҳисоблаш мумкин.

1976 йилда КПСС XXV съездида тақ-лиф қилинган тўртта лойиҳадан яку-ний лойиҳа танлаб олинди ва унинг устида ишлашни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Худди шу йилда “Союзгипроводхоз” бош диза-йнер этиб тайинланди ва лойиҳалаш

фаолиятини қўллаб-қувватлаш „СССР халқ хўжалигини 1976-1980 йил-ларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари“ га киритилган.

СССР Фанлар академиясининг давлат эксперт комиссияси, СССР вазирлар кенгаши ҳузуридаги Фан ва техника давлат қўмитаси Иртиш дарёларининг эркин оқими бир қисмининг худудий қайта тақсимлаш техник-иқтисодий асосларини кўриб чиқди. Комиссия СССР сув хўжалиги вазирлигининг техник-иқтисодий асосларини тасдиқлади.

1986 йилда КПСС марказий коми-тети сиёсий бюроси „Шимолий ва Сибирь дарёлари оқимини қисман ўтказиш бўйича ишларни тўхтатиш тўғрисида“ қарор қабул қилди. Бу эса ўн йилдан кўпроқ вақт давомида ушбу масалани муҳокама қилишни тўхтатди. Совет иттифоқи, кейин эса Россия бош-қа минтақавий кучлар билан бирга-ликда Сибирь дарёларини жанубга буриш ҳамда Россия ва Марказий Осиёга, шунингдек, Хитойнинг қўшни вилоятларига қишлоқ хўжалиги, уй хўжалиги ва хўжалик эҳтиёжлари учун қайта йўналтирилган сувдан фойдала-нишнинг харажати ва фойдасини ўйлаб кўрган ҳолда, ушбу тадқиқотларни давом эттирди. Бу санoат учун фойда-ланиш ва эҳтимол, Орол денгизига сув оқимини тиклаш учун ҳам муҳим эди.

Россиянинг экологик сиёсат бўйича нодавлат ташкилоти маркази прези-дент А.Алексей Яблоковнинг сўзларига кўра, Обь сувини 5-7 фоизга йўналтириш Арктика ва Россиянинг бошқа минтақаларида узоқ мuddатли иқлим ўзгаришларига олиб кели-ши мумкин. Сибирда ёғингарчилик кўпайганига қарамай, бу йўналишни ўзгартариш жуда сиёсийлашган бўлиб, Олтой ўлкаси табиий ресурс-лар ва атроф-муҳит департаменти директори Ярослав Ишутин Обда ортиқча сув йўқлигини ва Сибирнинг сув ресурслари хавф остида эканлиги-ни таъкидлаган эди.

## СИБИРЬ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ КАНАЛИ ЛОЙИҲАСИ

Сибирь – Марказий Осиё канали лойиҳанинг бириччи босқичи бўлиб, Об дарёсидан Қозоғистон орқали жануб-га — Ўзбекистонга катта сув канали қурилишини ифодалаган. Унга кўра, Каналнинг узунлиги 2550 км. Кенглиги — 130–300 метр. Чуқурлиги — 15 метр. Имкониятлар — 1150 м3/с. Лойиҳанинг дастлабки қиймати (сув таъминоти, тақсимлаш, қишлоқ хўжалигини қуриш ва ривожланти-риш, қишлоқ хўжалиги объектлари) 32,8 миллиард рублни ташкил этди, шу жумладан, РСФСР худудида — 8,3 миллиард, Қозоғистонда — 11,2 миллиард ва Марказий Осиёда — 13,3 миллиард рубль сарфланишни зарур эди. Лойиҳа йилига 7,6 миллиард рубль соф даромадга баҳоланди. Ка-налнинг ўртача йиллик рентабеллиги 16 фоизни ташкил қилади.

Лойиҳанинг қисман амалга оширил-ган ягона томони Кулунда канали эди.

## ИРТИШГА ҚАРАМА-ҚАРШИ


Иртишга қарши — лойиҳанинг иккинчи босқичи бўлган. Сувни Иртиш бўйлаб, сўнгра Тўрғай қувири бўйлаб Қозоғистонга, Амударё ва Сирдарёга йўналтириш режалаштирилган эди. Унга кўра, сув иншооти, 10 та насос станцияси, канал ва битта тартибга солувчи сув омбори қурилиши кўзда тутилганди.

Ушбу лойиҳанинг қисман амалга оширилган ягона участкаси Иртиш-Қарағанда каналидир.

## ТАНКИД

Лойиҳани махсус ўрганган эколог-лар — А.Яблоков, Ю.Винокуров ва бошқаларнинг фикрича, лойиҳага амалга ошириш қуйидаги салбий оқибатларга олиб келади: сув омборлари томонидан қишлоқ

1986 йилда КПСС марказий комитети сиёсий бюроси „Шимолий ва Сибирь дарёлари оқимини қисман ўтказиш бўйича ишларни тўхтатиш тўғрисида“ қарор қабул қилди. Бу эса ўн йилдан кўпроқ вақт давомида ушбу масалани муҳокама қилишни тўхтатди.



хўжалиги ва ўрмон ерларини сув босиши; яқин атрофдаги аҳоли пунктлари ва автомобиль йўллари сув босиши билан канал бўйлаб ер ости сувлари-нинг кўтарилиши;

Обь дарёси ҳавзасида қимматбаҳо балиқ турларининг нобуд бўлиши, бу, хусусан, Шимолий Сибирнинг туб аҳолисининг анъанавий турмуш тар-зининг бузилиши; Пермафрост режимида олдиндан айтиб бўлмайдиган ўзгаришлар; Шимолий муз океани сувлари шўрланшининг ортиши; иқлим ўзгариши, Обь кўрфаз ва Қора денгиздаги муз қопламнинг ўзгариши;



хўжалиги вазирлигининг сув ре-сурслари қўмитаси экспертлари-нинг фикрича, яқин келажақда Қозоғистоннинг мавжуд ер усти сув ресурслари 100 км3 дан 70 км3 гача камайиши кутилмоқда. Афғонистондаги уруш тугагач, мамла-кат ўз эҳтиёжлари учун Амударёдан сув олади, кейин Ўзбекистондаги чучук сув захиралари икки баробарга камайд.

Қозоғистоннинг бириччи прези-денти Нурсултон Назарбоев 2006 йил 4 сентябрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Сибирь дарёларини Марказий Осиёга буриш масаласини қайта кўриб чиқиш за-рурлигини айтиди. 2008 йил ноябрь ойида Ўзбекистонда “Обь – Сир-дарё – Амударё – Каспий денгизи” юк ташиш канали лойиҳаси тақдими ўтказилди. Канал қуйидаги йўналиш бўйлаб ўтди:

Тўрғай водийси – Жусалидан ғарбда Сирдарёни кесиб ўтади.

Дашагуз вилоятида Амударёни ке-сиб ўтади, сўнгра Ўзбой бўйлаб канал Каспий денгизига Туркманбоши портига боради. Каналнинг тахми-ний чуқурлиги 15 метр, кенглиги 100 метрдан ортиқ, филтрлаш ва буғланиш учун сувнинг лойиҳавий йўқолиши 7 фоиздан ошмайди.

Шуниингдек, канал билан биргалик-да „транспорт йўлаги“ни ташкил этув-чи автомобиль йўли ва каналга парал-лел равишда темир йўл қуриш таклиф қилинди. Кема канали ва ишлаб чиқариш объектларини қуришнинг тахминий қиймати 100-150 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши бел-гиланган. Қурилиш мuddати 10 йил, қутилаётган ўртача йиллик фойда 7-10 миллиард АҚШ доллари бўлиб, лойиҳанинг ўзини оқлаши қурилиш якунлангандан 15-20 йилдан кейин бўлиши айтилганди...

(“Шоҳистахон Ульжаева” телеграмидан олинди).

## "ОФИЦЕРЛИК — МАРДЛИК КАСБИ"

Сўх туманидаги "Себзор" маҳалла фуқаролар йиғинида "Офицерлик – мардлик касби" шиори остида ҳудуд ёшлари билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси, капитан Иззат Тожибоев ёш авлод вакилларига туғилиб ўсган юртга садоқат, уни асраб-авайлаш, ватанпарварлик фазилатлари, ҳарбийлик касби масъулияти ва ҳарбий олий таълим муассасаларида ўқиш талаблари ҳақида гапириб ўтди. Учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга тааллуқли жавоблар олишди.



## Соғлиғингизга бефарқ бўлманг

# ПАРҲЕЗ ЯРИМ ДАВОДИР

Аҳоли орасида сўнгги йилларда кескин кўпайиб бораётган касалликлардан бири қандли диабетдир. Бундай ташхис қўйилган беморларга, албатта, парҳез тайинланади. Чунки, жисмоний юклар билан бир қаторда тўғри овқатланиш қандли диабетни даволашнинг асосини ташкил қилади. Саломатлик тўғридан-тўғри кунлик таомномани ташкил этувчи озиқ-овқат маҳсулотларига боғлиқ. Бемор ўз соғлиғи учун муҳим озиқ-овқатлар рўйхатини шакллантириб олгани мақсадга мувофиқ.

Барча истеъмол қилинган озиқ-овқатлар меъда ва ичакларда ҳазм бўлиб, аъзо ва тўқималарга нисбатан оддий бирикмалар кўринишида кириб боради ва организмда турли хил мақсадлар учун ишлатилади. Овқатнинг асосий таркибини углеводлар, оқсиллар ва ёғлар ташкил қилади. Бундан ташқари, озиқ моддалар ўз таркибида минерал моддалар,

витаминлар ва сув тутайди. Қайси озиқ-овқатларда оқсиллар, қайси бирида эса углеводлар ва ёғлар кўпроқлигини ажрата билиш жуда муҳим. Оқсилнинг асосий манбаи гўшт, балиқ, парранда, тухум, творог, пишлоқ, гўшт ва сут маҳсулотларидир. Бундай оқсил ҳайвон оқсили деб номланади. Ёғоқлар, нўхат, ловия таркибида ўсимлик оқсиллари мавжуд. Оқсилларга бой озиқ-овқатлардан аминокислоталар ҳосил бўлади ва улар ўз навбатида мушак оқсилларининг ялғиланишида организмнинг барча тўқима ва аъзоларини тикланиш ва ўсиш жараёнларида қатнашади. Ёғ организмдаги асосий энергия манбаи вазифасини ўтайди. Модда алмашинуви яхши бўлганда, парҳезда ёғларни чегаралаш керак эмас, балки кўпроқ ўсимлик ёғларини истеъмол қилиш керак. Углеводлар организмга ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари билан келиб тушади.

Ўсимликдан келиб тушадиган асосий угле-

водлар, бу – нон, макарон, ун, ҳўл мева, сабзавот, донли ва дуккакли маҳсулотлардир. Ҳайвон маҳсулотларига эса сут, қатиқ, творог қиради.

Соғлиқ ҳар кимнинг ўз қўлида. Қанд касали ташхис қўйилган беморда, аввало, кўтаринки кайфият устувор бўлмоғи керак. Овқатланишда тайинланган парҳезга риоя қилиш эса саломатликни тиклашда катта роль ўйнайди.

Нигора ЭРГАШЕВА,  
Республика Иختисослаштирилган эндокрино-  
логия илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона  
филиали поликлиникаси ҳамшираси.



# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ХАВФЛИ!

Агар инсон организмдаги бирор-бир хасталик вақтида даволанмаса ёки оддий йирингли яра олиб ташланмаса, у фурсати келиб бутун бошли организмни нобуд қилиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ён-атрофимизда кечаётган турфа жараёнлар, соғлиғимиз, ҳаётимиз ва келажагимиз билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан бепарволик, гўёки вужудимизда яшаётган касалликка лоқайд муносабатда бўлиш билан баробардир.

Қундалик фаолиятимиз давомида кўпчилигимизнинг алоҳида муҳофазага олинган ҳудудлар, айтайлик, юқори босимли магистраль газ қувурларига кўзимиз тушиб туриши — бор гап. Кимдир бу ҳолга жиддийроқ эътибор қаратади, яна баъзилар бундай манзараларнинг олдида шунчаки бепарво ўтиб кетишга одатланган. Ана шу каби турлича дунёқараш туйғайли шундай ҳолатлар билан боғлиқ кўпчилик кўнгилсизликлар юз бераётир десак, асло, муболаға бўлмайди.

Аслида алоҳида муҳофазага олинган, маълум бир доира шаклида ўраб олинган бундай ҳудудларда эслатма шаклида: "Эҳтиёт бўлинг, ҳаёт учун хавфли!" деган ёзувлар катта-катта харфлар билан ёзиб қўйилган бўлади. Лекин бу борада етарлича билим ва кўникма йўқлиги боис, айрим юртдошларимиз ўзи ва оиласи ҳаёти, йиллар мобайнида йиғилган маблагини хавф остига қўймоқдалар.

Юртимиз сарҳадлари бўйлаб у манзилдан бу манзилга томон тортилган магистраль газ қувурлари ҳамда хонадонларимизни файзга тўлдирётган табиий газ факат иситиш манбаигина эмас. У давлатимиз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлардан бири



хисобланади. Шу сабабли, шарт-шароитни инобатга олган ҳолда, юқори босимли газ қувурларини имкон қадар ер остидан тортишга ҳаракат қилинади. Аммо ҳамиша ҳам шундай усулдан фойдаланишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ер устидан олиб ўтилган магистраль газ қувурлари нафақат тегишли мутасадди идоралар, балки ҳар бир юртдошимиз томонидан кўз қорачигидек асралиши лозим. Чунки озгина бепарволик ёки эътиборсизлик туйғайли келиб чиқиши мумкин бўлган муқаррар фалокатнинг қўлами ва миқёси жуда кенгайиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайд.

Афсуски, баъзи ҳақиқатларимиз томонидан магистраль газ қувурларига ноқонуний равишда зиён етказиш ҳолатлари мавжуд. Шуни алоҳида инобатга олган ҳолда бошқарманиз томонидан бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай, баъзи фуқаролар томонидан магистраль майдонда қурилиш ишларини олиб бориш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса магистраль газ қувурлари муҳофаза майдонининг бузилишига олиб келмоқда. Агар магистраль газ қувурида авария ҳолатлари юз берадиган бўлса, газ қувури муҳофаза майдонининг фуқаролар ҳаётига ва уларнинг мулкига катта зиён етади. Шу билан бирга, магистраль газ қувури муҳофаза майдонидан тупроқ, шағал олиш, қудратли техникаларнинг ишлаши тақиқланади.

Магистраль газ қувурлари орқали табиий газни талафотларсиз, муҳофаза майдонини бузмаган ҳолда истеъмолчига тўхтовсиз етказиб бериш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини унутмайлик!

**М.МАМАШАРИПОВ,**  
Фарғона магистраль газ қувурлари бошқармаси бош муҳандиси.  
**Д.ЮЛДАШЕВ,**  
Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш Шарқий минтақавий бошқармаси давлат инспектори.  
**С.УМУРЗАҚОВ,**  
"Ўзнергоинспекция" Фарғона вилоят бошқармаси бош мутахассиси.

## "ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАРҒОНА МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ!

### ҲАММА БИЛИШИ ШАРТ!

Ҳурматли ҳамюртлар! Жаннатмакон водийнинг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бўйлаб аҳоли, ишлаб чиқариш корхоналари ва барча турдаги ҳўжалик субъектларини табиий газ билан таъминловчи юқори босимли магистраль газ қувурлари ўтган. Бу ҳудудларда эксплуатация нормал шароитини таъминлаш ва қувурлар бузилишига (уларнинг ҳар қандай ўтказилишидан қатъи назар) йўл қўймаслик учун мунтазам равишда чора-тадбирлар амалга ошириб борилади. Айни жабҳада магистраль газ қувурлари ҳимоя қоидадига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 69-моддасига асосан муҳофаза майдони ўрнатилган.

Бу ҳудуд:  
– қувур трассаси бўйлаб хавфсизлик ер участкаси кўринишида қувур ўқининг ҳар томонидан 25 метр масофада ўтадиган шартли чизиклар билан чегараланади;

– газдан конденсатни ажратиш ва сақлаш учун сиймлар атрофида нефть конденсат ва сиклиланган углеводородларни авария ҳолатидан чиқариш учун ер омирида – кўрсатилган объектлар майдони чегарасида ҳар томонга 50 метрдан тўташ чизик билан чегараланган ер майдони кўринишида;

– кўп тармоқли трасса бўйлаб чекка қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метр масофадан ўтган, шартли чизиклар билан чегараланган ер майдони кўринишида;

– бошланғич ва ораликдаги ўтказиш ҳамда қуийш насос станциялари атрофида резервуар парклар, компрессор ва газ тарқатувчи станциялар, сарф қилинган газни ўлчаш мосламалари объектлари чегараларида ҳар томонга 100 метр масофада шартли чизиклар билан чегараланган ер майдони кўринишида бўлади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер майдонлари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди. Аммо улар ишни "Магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш" қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, ердан қишлоқ ҳўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб боришда фойдаланишлари зарур. Шунингдек, қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ ҳўжалиги дала ишлари экиш ва йиғиш масъуми бошланишидан аввал Фарғона магистраль газ қувурлари бошқармаси олдиндан маълум қилинган ҳолда олиб борилиши керак.

### ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

Қувурларнинг муҳофаза майдонида қувурлардан меъёрида фойдаланишга ҳалақит берувчи ёки ерга ҳишак етказувчи ҳар қандай кўринишдаги хатти-ҳаракатлар тақиқланади.

Хусусан:  
– қурилиш ва бунёдкорлик ишларини олиб бориш;  
– дарактлар ва буталар экиш, ем-хашак, ўғитлар ва қурилиш материалларини тахлаш, пичан, похол ва ўтинларни гарам қилиш;  
– мол-қўй ва парранда фермаларини ташкил этиш, балиқчилик ва сув ҳайвонлари парвариш қилишга ихтисослашган ҳўжаликларга ер майдони ажратиш;

– қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва бошқа механизмларни сақлаш учун жойлар қуриш;  
– кабель алоқаси хизмат кўрсатмайдиган товшу кучайтирувчи пунктлар қопқоқларини ва люкларини, катод ҳимояси станциясини ва назорат қилувчи ҳудудларни, бошқа тармоқ қурилмаларини, зупф ва жўмрақларини очиш ёки ёпиш, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиш ва ўчириш;

– ер мелиорация ишларини амалга ошириш, сўғориш ва қуришти тармоқларини ташкил этиш;

– геологик съёмкалар, геодезия ишлари ва қудуқлар, шурфларнинг тузилиши ва ер намуналарини олиш, ер ости сувлари дренажлари қуриш билан боғлиқ бўлган бошқа қидириш ишларини амалга ошириш;

– ахлатхоналар ташкил этиш, кислоталар, тузли ва ишқор эритмаларини тўкиш;

– олов ёқиш ва бирон-бир очик ёки ёпиқ ўт чиқиш манбаларини ҳамда шу кабиларни жойлаштириш;

– бозорлар, отчопарлар, спорт иншоотлари ёки кўп сонли одамларни тўплаш мумкин бўлган тузилмалар (мактаб, шифохона, клуб, болалар майдонлари) барпо этиш;

– шахсий автомашиналарни сақлаш жойлари, дала шийпонлари, дам олиш маканлари, спорт иншоотларини қуриш.

### БИЛГАН ФОЙДА, БИЛМАГАН ЗИЁН

Аҳоли яшаш пунктлари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, иншоотлар, бинолар (яшайдиган, яшамайдиган) қурилишларида ма-

гистраль газ қувурларидан иншоотга минимал масофа белгиланади. У Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган "КМК 2.05.06-97 магистраль қувур ўтказгичлар" қурилиш меъёрларига мувофиқ тарзда тартибга солинади.

**Магистраль газ қувурларининг диаметрига қараб муҳофаза майдони қуйидагича белгиланади:**

**Ду-300 мм ва кичикроқ – 100 м;**

**Ду-300 мм ва 600 мм гача – 150 м;**

**Ду-600 мм ва 800 мм гача – 200 м;**

**Ду-800 мм ва 1000 мм гача – 250 м.**

Унутманг, Фарғона магистраль газ қувурлари бошқармасининг руҳсатисиз магистраль газ қувурлари муҳофаза майдонида ер ишларини амалга ошириш қатъиян ман этилади. "Магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш қоидалари" талабларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 150-моддасига асосан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бу борада мансабдор шахс учун ҳам, оддий фуқаро учун ҳам қатъий жазо чораси мавжуд.

### ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Албатта, мамлакатимизнинг табиий бойликлари шу юрtnнинг ҳар бир фуқароси ҳаётини тўқис ва бахтли бўлиши учун хизмат қилиши шубҳасиздир. Бу каби азиз ва қадрли неъматлардан оқилона фойдаланиш эса галдаги устувор вазифа эканлиги айна ҳақиқат.

Шу боис, ўзингиз яшаб турган ҳудуддан ўтган юқори босимли магистраль газ қувурларида бирор-бир носозлик юзага келса ёки ноқонуний хатти-ҳаракат содир этилаётганига гувоҳ бўлсангиз, бефарқ ўтиб кетмаслик, дарҳол тегишли мутасадди идораларга хабар бериш фуқаролик бурчингиздир. Аслида бу Сизда юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларга дахлдорлик туйғуси, жараёндаги бурч ва масъулият ҳисси нечоғлиқ шаклланганидан далолат беради.

**Бизнинг манзил: Фарғона шаҳар, Кимёгарлар кўчаси, 11-ўй.**

**Телефонлар: (94) 390-90-92 (диспетчер), (73) 241-69-01**

**ФАРҒОНА МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ**

**МАЪМУРИЯТИ.**

Шартнома асосида

|                                                                                      |                                                                                                                                                                                                             |                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                |
|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| МУАССИС:<br>"Farg'ona haqiqati" va<br>"Ferganskaya pravda"<br>gazetaları tahririyatı | 2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. | Газета "Полнграф-пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 1571 нусхада чоп этилди.<br>Буюртма: 494 | Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-ўй.<br>Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.<br>Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24. |
| Бош мухаррир:<br>Рустам ОРИПОВ                                                       | Газета жума кўни чиқади.                                                                                                                                                                                    | ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи мухаррир: Муяттар Махмудова.                                                                                            | Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.<br>Босишга топшириш вақти: 18.00.<br>Топширилди: 16.30.                                                                         |

